

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛНОЗА УЛУҒБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МОДДИЙ-МАДАНИЙ
ЁДГОРЛИКЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ (1917-1990 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Юлдашева Дилноза Улугбековна

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг моддий-маданий ёдгорликларга бўлган муносабати (1917-1990 йй.)3

Юлдашева Дилноза Улугбековна

Отношение советской власти к материально-культурным памятникам в Узбекистане (1917-1990 гг.).....25

Yuldasheva Dilnoza Ulugbekovna

The attitude of the Soviet government to the material and cultural monuments in Uzbekistan (1917-1990 yy.).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛНОЗА УЛУҒБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МОДДИЙ-МАДАНИЙ
ЁДГОРЛИКЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ (1917-1990 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Таг255 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Анарбоев Абдулхамид
тарих фанлари доктори, профессор

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор

Ўтақчи ташкилот:

**Камолитдин Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» кунли соат 10:40 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 39 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2021 йил « _____ » _____ кунли тарқатилди.
(2021 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси билан).



Х. Э. Юнусова
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т. ф. д., профессор

Б.Б.Хайназаров
Илмий даражаларни берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD)

У.С.Абдуллаев
Андижон давлат университети
ҳузурдаги илмий даражалар берувчи
DSc.03/31.12.2020.Таг.60.01 рақамли
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, т. ф. д., профессор

Handwritten signature in blue ink.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув ва интеграциялашув шароитида анъанавий, миллий, диний қадриятларни улуғланиши маданий меросга бўлган қарашларни ҳам ижобий томонга ўзгартирмоқда. Халқаро ҳамжамият ҳамда ташкилотлар ҳомийлигида ҳозирги даврда тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш, реконструкция ва модернизация қилиш, музейлар фаолиятини янада жадаллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш йўлидаги фаолиятлари эътиборга моликдир. Хусусан, Халқаро маданият ташкилоти (International Culture Organization – ICO) ташаббуси билан жаҳон маданият обидалари, тарихий шаҳарларнинг ўрганилиши ҳамда ҳар йили 18 апрелни “Халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойларни асраш куни” сифатида нишонланиши соҳага бўлган эътироф сифатида моддий-маданий ёдгорликларга бўлган муносабатни объектив тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Дунё миқёсида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, собиқ совет даврида Ўзбекистондаги тарихий ва маданият ёдгорликларининг ҳолати, 1917–1990 йилларда совет ҳокимиятининг республика моддий-маданий ёдгорликларига бўлган муносабати бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, моддий маданий меросни сақлаш ва уларни реставрация қилишда замонавий усулларни жорий қилиш, давлатнинг маданий ёдгорликларга бўлган муносабатини йўлга қўйиш, соҳадаги трансформацион жараёнларни тартибга солиш, жаҳон ва маҳаллий миқёсдаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида собиқ Иттифоқ даврида тарихий-маданий меросга беписандлик ва эътиборсизлик оқибатида аянчли ҳолатга келиб қолган моддий-маданият ёдгорликларини муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, бу борада стратегик дастурлар ишлаб чиқишди. Зеро, “...Бу жуда катта бойлик. Лекин бу бойликни асраб-авайлаш, уларни илмий асосда ўрганиш, ташвиқот қилиш, келажак авлодга етказиш масаласида, афсуски қатор муаммолар бор”¹. Чунончи, айти пайтда тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва ўрганиш бўйича амалга оширилган ишларни тарихийлик нуктаи-назаридан ўрганиш, шу асосда ҳозир ва келажакда қилинадиган ишларга тавсиялар бериш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги ВМҚ-200-сон

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд.- Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018.- Б.199.

«Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 11 декабрдаги ВМҚ-975-сон «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 18 октябрдаги ВМҚ-881-сон «Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 20 декабрдаги ВМҚ-1021-сон «Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»²ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзусига доир адабиётларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) совет ҳукмронлиги даврида чоп этилган илмий адабиётлар; 2) мустақиллик йилларида нашр этилган асарлар; 3) хорижий нашрлар.

Биринчи гуруҳга оид илмий адабиётларда совет ҳокимияти йиллари ТАССР, кейинроқ Ўзбекистон моддий-маданий ёдгорликларини ўрганиш борасида рус олимлари² ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар³ масала моҳиятига ўша даврдаги ҳукмрон коммунистик мафкура нуқтаи-назаридан ёндашган. Совет ҳукмронлигининг сўнгги йилларигача бўлган даврда яратилган асарларда республикадаги санъат обидалари, ўтмиш ёдгорликларини сақлаш, музейлар фаолияти, моддий маданият ва архитектура ёдгорликлари тарихи⁴ ёритиб берилган.

² Ликошин Н.С. История материальной культуры в Туркестанском крае // Просвещение, 20 сентября 1918 г.; Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан (Известия Российской академии истории материальной культуры).-Петроград, 1922.Т.2.-С.1-22; Ўша муаллиф. История культурной жизни Туркестана.-Ленинград: Изд.АН СССР, 1927.-256 с; Миронов А.М. Организационная, научная и практическая деятельность Средазкомстариса за пятилетие его существования // Известия Средазкомстариса.-Ташкент, 1926. Вып. -№1. -С.18-42. Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев, охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса.-Ташкент, 1926. Вып.-№1. -С.4-17; Умняков И.И. Охраны памятников старины и искусства в советском законодательства Средней Азии // Известия Средазкомстариса. -Ташкент, 1926. Вып.-№1. -С.45-54.

³Фуломов Я.Ф. Ўзбекистонда моддий-маданий асарларни сақлаш, ўрганиш йўлида.-Т, 1934.-40 б; Ахунوف Х. Узбекистанский Комитет по охране и изучению памятников материальной культуры (Узкомстарис): Отчет о деятельности за 1935 год.-Ташкент: Комитет наук УзССР, 1936. -71 с; Рахматуллаев Ю.Р. Из истории охраны и изучения памятников зодчества в Узбекистане: Дис. ... канд. ист. наук. -Ташкент, 1963. -202 с; Қори-Ниёзий Т.Н. Ўзбекистон ССР моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва ўрганиш. -Тошкент: Фан, 1971.-74 б.

⁴ Садыкова Н.С. История становления и развития музейного дела в Советском Узбекистане (1917-1973 гг.): Дис. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1975. - 397 с.; Содикова Н.С., Буряков Ю.Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси. -Тошкент: Фан, 1976.-88 б; Ўша муаллиф. Йўлдош Охунбобоевнинг мемориал музейи.-Тошкент: Фан, 1979.-84 б.; Ўша муаллиф. Маданий ёдгорликлар хазинаси.-Тошкент: Фан, 1981.-282 б.; Ставиский Б.Я., Жукова Н.Н. Проблемы сохранения памятников культуры и искусства в Советских Республиках

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида нашр этилган асарлар кириб, мавзуга доир бир қанча илмий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистонда маданий ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш ишларининг йўлга қўйилиши масалаларида ижобий силжиш ҳолатлари М.Мирзаев номзодлик диссертацияси⁵да ҳамда Д. Шомукарамова илмий мақоласи⁶да умумий ҳолатда таҳлил қилинган. И.Илалов ўқув қўлланмаси⁷да тарихий қадимшунослик ва бадиий музейларнинг келиб чиқиши ҳамда ривожланиши, И.Алимовнинг монографияси⁸да маданий ёдгорликлар – хадми-жой (махсура жой), авлиё (муқаддас жойлар, авлиёлар мақбаралари) жойлар, меъморчилик ва монументал ҳайкалтарошлик санъати бўйича альбом-рисола⁹да меъморчилик, ҳайкалтарошлик санъатининг раванқ топиши, Н.Мустафаева иши¹⁰да 1970 йилларнинг охири – 1980 йилларда Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ишларининг ҳолати, тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш масаласига коммунистик муносабат каби масалаларга эътибор қаратилган. Р.Абриевнинг тадқиқотида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихи Зарафшон воҳаси мисолида тадқиқ этилган¹¹.

М.Расуловнинг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси¹²да эса Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг 1980-2019 йиллардаги аҳволи таҳлил этилган.

Учинчи гуруҳни ташкил қилган хориж тадқиқотчи-олимлари¹³ томонидан Марказий Осиё халқлари моддий маданияти, халқларнинг ёзув трансформацияси, Ўзбекистонда қоятош (петроглиф) санъатининг шаклланиши, петроглиф монументларининг кенг тарқалиши, минтақанинг ижтимоий ва маданият соҳасидаги ўзгаришлар, Буюк ипак йўли ва моддий маданият муштараклиги адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган. С.Ақйилдиз

Средней Азии (1917-1941 гг.): Консервация и реставрация музейных художественных ценностей. – Москва, 1989. Вып.-№1. – С.44-45.

⁵ Мирзаев М.А. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишининг ташкил топиши ва ривожланиши (1917-1941йй) : Тарих фан. номз. ...дис. - Тошкент, 1994.-161 б.

⁶ Шомукарамова Д. Проблемы организации охраны и реставрации памятников культуры Узбекистана в 1917-1924-е годы // O'zbekiston tarixi.-Ташкент, 2015. -№1. -С. 78-88.

⁷ Илалов И. Н. Музееведение.-Ташкент: Мусика, 2006.-357 с.

⁸ Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар).- Тошкент: Фан, 2009.-224 б.

⁹ Мустақиллик даври ўзбек меъморчилик ва монументал ҳайкалтарошлик санъати / Таҳрир ҳайъати: Х.Султонов ва бошқ. –Тошкент: «Санъат» журнали нашриёти, SMI-ASIA, 2011.-176 б.

¹⁰ Мустафаева Н.А. Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти: Тарих фан.докт. ... дис. автореф.-Тошкент, 2016.- 84 б.

¹¹ Абриев Р.Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихи (Зарафшон воҳаси мисолида): Тарих фан. бўйича фал. докт. (PhD). ... дис. автореф. – Тошкент, 2020. -53 б.

¹² Расулов М.Ф. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларнинг аҳволи ҳамда уларга бўлган муносабатнинг трансформацияси (1980-2019 йй.): Тарих фан. бўйича фал. докт. (PhD). ... дис. автореф.- Тошкент, 2020.- 55 б.

¹³ Tashbayeva K., Khujanazarov M., Ranov V., Samashev Z. Petroglyphs of Central Asia.-Bishkek, 2001.-220 p; Khashimov M. Religions and spiritual memories of Cenrtal Asia.UNESCO.-Almati: SAGA, 2001.-255 p; Whitfield S. Silk, Slaves, and Stupas: Material Culture of the Silk Road.-USA: University of California Press, 2011.-313 p; Haase S. Central Asia: A study of History, Society, Culture and its Affects on the Current Political and Economic Ideologies of Today's Leaders.-USA, Hawaii Pacific University, 2008.-88 p; Social and Cultural Change in Central Asia: Mentges G., Shamukhitdinova L. Textiles as National Heritage: Identities, Politics and Material Culture. Case studies from Uzbekistan, Kazakhstan, Algeria and Peru.-Germany: Waxmann Verlag GmbH, 2017.-30 p.

ва Р.Карлсон муҳаррирлигида нашр қилинган махсус асарда Марказий Осиёдаги давлатлар маданиятининг советлаштирилиши жараёнлари, моддий маданият ёдгорликлари тарихи¹⁴, Х.Кусела, Э.Вудука, Р.Грасбайлар илмий тадқиқотлари¹⁵да моддий маданият тарихи ва архитектура ёдгорликлари тарихи тадқиқ этилган.

Мавзу юзасидан амалга оширилган тадқиқотларда Ўзбекистон моддий маданиятининг совет даври тарихи комплекс равишда ўрганилмаган. Хусусан, совет даврида яратилган кўплаб асарларда, йирик монографик тадқиқотларда моддий маданият тарихи ва тарих ва маданият ёдгорликларига бўлган муносабат объектив тарзда ёритиб берилмаган. Мустақиллик йилларида ва хориж тадқиқотчилари томонидан чоп этилган адабиётларда ҳам мавзунинг айрим қирраларигина ёритилган, холос. Шу боисдан ҳам 1917-1990 йилларда Ўзбекистон моддий маданияти тарихини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети ИТ-8.44-06. «Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамлакачилиги тарихи» ҳамда ИТ-34.4-08. «Россия империяси ва совет мустамлакачилиги йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1867-1991 йиллар)» мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1917-1990 йилларда совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги моддий-маданий ёдгорликларига бўлган муносабатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат :

тадқиқот ишининг назарий-методологик ҳамда концептуал асосларини атрофлича ўрганиш;

совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган маданий сиёсати ва унинг бир томонлама хусусиятини очиб бериш;

музей ишлари ва қадимги ёдгорликлар ҳамда санъат ва табиатни муҳофаза этиш Туркистон қўмитаси «Турккомстарис», кейинроқ – «Средазкомстарис», «Узкомстарис» ташкилотлари, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти фаолиятини тадқиқ этиш;

совет ҳукумати маданият муассасалари, ташкилотларининг республикада асрлар давомида сақланиб келинган моддий маданий ёдгорликларга бўлган муносабатини атрофлича таҳлил қилиш;

Иккинчи жаҳон уруши арафаси ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон моддий-маданий ёдгорликларини ўрганиш ва муҳофазага олиш борасида амалга оширилган чора-тадбирларни умумлаштириш;

¹⁴ Social and Cultural Change in Central Asia: The Soviet Legacy. Central Asia Research Forum. Edited by Akyildiz S, Carlson R.-London and New York: Routledge Taylor and Francis Group, 2014.-P.4.

¹⁵ Kuusela H. Thing theory, Material culture and Object-Oriented ontology//Transformations Journal of Media and Culture.-Turku (Finland), 2016.-№27.-P.2-15; Andrew J. Vuduka. Material Culture analysis. UNESCO. -Thailand, 2012.-25 p.; Grassby R.Material culture and Cultural History // Journal of Interdisciplinary History.-Massachusetts, 2005.-P.591-603.

халқ хўжалигини қайта тиклаш йилларида Ўзбекистондаги қадимий ёдгорликларнинг ҳолати ва сақланиш даражасини ҳамда уларнинг муҳофазаси борасидаги ишларни ёритиб бериш;

XX асрнинг 60-80 йилларида тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш республика бошқармаси томонидан моддий-маданий ёдгорликларни ва ҳазиналарни сақлаш борасида йўл қўйилган камчилик, нуқсонларни ҳаққоний тарзда кўрсатиб бериш;

мустақиллик арафасида моддий-ашёвий бойликлар ҳамда маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва муҳофазага олиш бўйича қилинган ишларни сарҳисоб қилиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон моддий-маданият ёдгорликларига совет ҳокимиятининг муносабати тарихи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети этиб 1917-1990 йилларда Ўзбекистондаги моддий-маданият ёдгорликлари ва уларнинг муҳофазага олиниши ҳамда сақланишига доир масалалар белгиланди

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда муаммога цивилизацион ёндашув, қиёсий ва муаммовий - хронологик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1917-1924 йилларда “Моддий маданият ёдгорликлари муҳофазаси” шиори билан нафақат тарихий ёдгорликлар, обидалар, музей аҳамиятига молик барча жиҳозлар давлат мулкига айлантирилгани, балки ўлкада хайрия жамғармалари асосида тўпланган вақф мулклари ва шахслар ихтиёридаги моддий-ашёвий буюмлар ҳам тўлиқ тортиб олинганлиги исботланган;

тарихий-маданий обидаларнинг давлат муҳофазасидан “социалистик шаҳар” мулкига ўтказилиши натижасида Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги миллий ёдгорликлар қисман сақланиб қолинган бўлса-да, улардаги музей, қизил чойхона, қизил бурчак ва кутубхоналар мафкуравий қолиплар занжирида фаолият кўрсатишга йўналтирилганлиги далилланган;

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда миллий маданиятни нивелирлаш оқибатида “Устоз-шоғирд” тизимининг йўқотилиши, таъмирлаш ишида анъанавий ганч, кир, ғишт, кошинлар ўрнига цемент, бетон, темирбетон каби “замонавий технология”лардан фойдаланилиши, косметик таъмир билан чекланиб, меъморий обидалардаги асл конструкцияларнинг емирилишига сабаб бўлганлиги исботланган;

«ривожланган социализм» босқичида сиёсий ва маданий-диний қадриятлараро тўқнашуви натижасида “сайёр музейлар”, айниқса, инқилоб музейлари фаолиятининг сиёсий мақсадлар ижросига йўналтирилиб, мавжуд тузум афзалликларига эътибор кучайтирилиши натижасида маданият муассасаларида тарихий-маданий ёдгорликларни сақлашга эътиборсизлик, молиявий маблағлар таъминотида узилишлар одатий тус олишига олиб келганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан 1917-1990 йилларда моддий маданият соҳасидаги муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини кўрсатиш билан бирга, музейлар фаолияти бўйича янги ахборот хизматлари турларини яратиш, тарихий обидаларни сақлаш ва муҳофазага олишнинг илмий жиҳатдан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

Ўзбекистоннинг совет ҳукмронлиги даври тарихи ҳамда республикадаги тарих ва маданият ёдгорликлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда ушбу тадқиқот материалларининг фойдали, зарурий жиҳатлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кенг кўламли тарихий нодир адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг изланишларидан фойдаланилгани, моддий маданиятни ривожлантиришга оид меъёрий қоидалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилгани, тадқиқот натижалари, таклиф ва тавсияларининг амалиётга жорий этилгани ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот совет ҳокимияти давридаги маданият соҳасининг умумий аҳволини англаб етиш ҳамда маданий ташкилотларнинг советлаштирилиши оид услубий ёндашув ва назарий хулосаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мазкур тадқиқот иши маданиятшунослик, музейшунослик, тарихий ўлкашунослик ва маънавият асослари йўналишларида олиб бориладиган истиқболдаги янги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажаради. Шу билан бирга, диссертациянинг назарий хулосалари ва натижалари таълим тизимининг турли босқичларида таълим-тарбия жараёнларини янги маълумотлар билан шакллантириш ва бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1917-1990 йилларда совет ҳокимиятининг Ўзбекистон моддий маданияти ёдгорликлари ва унга бўлган муносабати тарихи бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

1917-1924 йилларда “Моддий маданият ёдгорликлари муҳофазаси” шиори билан нафақат тарихий ёдгорликлар, обидалар, музей аҳамиятига молик барча жиҳозлар давлат мулкига айлантирилгани, балки ўлкада хайрия жамғармалари асосида тўпланган вақф мулклари ва шахслар ихтиёридаги моддий-ашёвий буюмлар ҳам тўлиқ тортиб олинганлигига оид илмий хулосалардан Андижон вилоят тарих ва маданият давлат музейининг “Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг моддий-маданият ёдгорликлари” номидаги экспозицияни ташкил қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги №01-12-10-3855-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг қўллани-

лиши музейга ташриф буюрувчиларнинг тарих ва маданият ёдгорликларининг аҳамияти, уларни сақлаш ва асраб-авайлаш тўғрисидаги тасаввурларининг кенгайтишига хизмат қилган.

тарихий-маданий обидаларнинг давлат муҳофазасидан “социалистик шаҳар” мулкига ўтказилиши натижасида Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги миллий ёдгорликлар қисман сақланиб қолинган бўлса-да, улардаги музей, қизил чойхона, қизил бурчак ва кутубхоналар мафкуравий қолиплар занжирида фаолият кўрсатишга йўналтирилганлиги билан боғлиқ бўлган маълумотлардан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг “Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон” деб номланган бўлимини экспонатлар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги №3/1255-1978-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот материалларининг музей экспозицияларига жорий этилиши маҳаллий ва хорижий сайёҳларга совет даврида Ўзбекистондаги моддий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жараёни эволюциясини манбалар асосида кўрсатиб бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 2 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та республика ва 1 та халқаро миқёсдаги анжуманларда синовдан ўтказилиб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, хусусан, 3 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ўрганиш зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Совет ҳокимиятининг Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССР моддий-маданий ёдгорликларига нисбатан юритган сиёсати (1917-1939 йй.)” деб номланиб, унда Туркистон АССР маданият дурдоналарига нисбатан олиб борилган совет сиёсати ва унинг

хусусиятлари, 1920-1930 йилларда совет ҳукуматининг Ўзбекистон ССРдаги моддий-маданий ёдгорликларга муносабати масалалари ёритилган.

Совет даврининг дастлабки даврларида моддий-ашёвий буюмларга ва санъат асарларига бошчилик қилиш Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган музейлар, ўтмиш ёдгорликлари ва санъатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича Бутуниттифоқ коллегияси зиммасига берилди. Бир оз вақт ўтгандан сўнг, 1918 йилнинг 1 майдан бошлаб коллегия барча музейлар фаолиятини бирлаштирувчи Маориф халқ комиссарлигининг музей бўлимига айлантирилди. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ҳам айнан мазкур вазифани бажаришга доир бўлган бўлим ва бўлинмалар ташкил қилинди. Моддий бойликларни аста-секин давлат хазинасига ўтказиш борасида совет ҳукумати томонидан бир қанча махсус декретлар чиқарилди. Аксарият қабул қилинган декретлар чекловларга асосланган бўлиб, улар халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олмади, аксинча маҳаллий аҳоли ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилинишига, топталишига олиб келди. Хусусан, Советларнинг Бутунроссия II съездида қабул қилинган «Ер тўғрисида»¹⁶ги декретига асосан 1917 йилнинг 26 октябридан бошлаб барча ерлар, шу жумладан, монастир, черковь, вақф, маданий муассасаларга тегишли ерлар умумхалқ мулки, деб эълон қилинди. Декрет ўз навбатида ТАССР маҳаллий аҳолисининг маънавий-маданий ҳаётига ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказди. Ана шу тариқа ўлкада илгари хайрия жамғармалари асосида тўпланган вақф мулклари ва шахслар ихтиёридаги моддий-ашёвий буюмлар ҳам национализация* қилинди.

1918 йил 19 сентябрда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети “Алоҳида бадий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган предметларни хорижга сотиш ҳамда олиб чиқиб кетишни таъқиқлаш тўғрисида”¹⁷ги декретни қабул қилди. Ушбу декретга кўра, барча тарихий ва бадий аҳамиятли предметларни ва моддий бойликларни Маориф халқ комиссарлигининг Петроград ва Москвадаги Музей ишлари, қадимги ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича коллегияларининг рухсатсиз хорижга сотиш ҳамда уларни олиб чиқиб кетиш тўлалигича ман қилинди. 1918 йил 5 октябрда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети «Айрим шахслар, жамият ва муассасалар ихтиёридаги санъат ва қадимги ёдгорликлар рўйхатини тузиш, уларни ҳисобга олиш ва кўриқлаш ҳақида»¹⁸ги декретни эълон қилди. Мазкур декретга мувофиқ барча маданий-тарихий ва монументал ёдгорликлар кимга тегишли бўлишидан қатъий назар уларда биринчи давлат муҳофазасига олиш ишлари ўтказиш кўзда тутилди. 1919-1920 йиллар мобайнида Туркистондаги ёдгорликларни сақлаш ва уларнинг муҳофазаси борасида махсус декретлар эълон қилинди. Хусусан, 1919 йил 11 ноябрда ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси Совети ўлкадаги қадимий ёдгорликлар ва санъат асарларини

¹⁶ Съезды Советов (в документах). Сборник документов в 3-х томах. 1917-1936 гг.-Москва: Госюрлитиздат, 1959. Т.1.-С.11-13.

* Национализация - хусусий мулкни давлат мулкига, умумхалқ мулкига айлантириш демакдир.

¹⁷ Охрана памятников истории и культуры. Сборник документов.-Москва: Советская Россия, 1973.-С.21.

¹⁸ Ўзбекистон Миллий архиви (бундан кейин - Ўз МА), Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 7-варак.

сақлаш ва ўрганиш мақсадида «Қадимий ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза этиш тўғрисида»¹⁹ махсус декрет чиқарди. Унга кўра, барча хужжатли ва ашёвий буюмлар, тарихий ва санъат ёдгорликлари кимда бўлишидан қатъий назар зудлик билан уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда тузиш, ҳисобга олишни ташкил қилиш зарурий эканлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, «Музей ишлари, санъат ва қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш коллегияси»²⁰нинг рухсатисиз мавжуд ёдгорликларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш, уларни таъмирлаш ва қайта тузатиш ишлари таъқиқланди.

Совет ҳокимиятининг 1920 йилларида Туркистондаги моддий-маданий ёдгорликлар ва тарихий обидаларни сақлаш, муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш ҳамда йўлга қўйиш муҳим вазифалардан ҳисобланарди. Шу сабабли ўлкада асрлар давомида сақланиб келинган моддий-ашёвий буюмлар, санъат ёдгорликларини асраб-авайлаш ҳамда уларни келгуси авлодларга етказиш зарур эди. Юқоридаги вазифаларни тўлақонли равишда амалга ошириш мақсадида 1921 йил 22 майда Туркистон АССР ХКС декрети билан Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза этиш Туркистон кўмитаси (Турккомстарис) ташкил этилди. Кўмитанинг дастлабки фаолияти асосан меъморчилик обидалари, маданият ва тарихий ёдгорликларини ўрганиш билан боғлиқ бўлди. Мазкур кўмита дастлаб 4 та бўлим (секция) бўйича фаолият кўрсатди²¹. Улар қуйидагилардан: музей, қадимги ёдгорликлар ва санъат асарларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш, археология ҳамда табиатни муҳофаза этиш бўлимларидан иборат бўлди.

1920-1925 йиллар мобайнида «Турккомстарис» томонидан 50 га яқин муҳим экспедициялар ўтказилди²², ана шу музундаги экспедицияларнинг аксарият қисмида музей ходимлари қатнашди ва тўпланган материаллар музей фондига тақдим этилди. Тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида моҳир халқ усталаридан - А.Боқиев, Ш.Муродов, А.Болтаев, Қ.Жалилов, Ш.Ғофуровлар фаол иштирок этди.

1924 йил 26 декабрда Турккомстарис қайтадан ташкил қилиниб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашига бўйсунувчи Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш Ўрта Осиё кўмитаси - Средазкомстарис сифатида номланди²³. Кўмита ташкил этилган даврдан бошлаб унинг фаолияти доираси Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ҳудудларини қамраб олди. Средазкомстарис ташкилотининг бош вазифалари сифатида қуйидагилар, яъни биринчидан, Ўрта Осиёдаги қадимги, санъат ва археология ёдгорликларини муҳофаза қилиш; иккинчидан, табиат

¹⁹Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса.-Ташкент, 1926.-№ Вып.1.-С.4.

²⁰ Ўз МА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 6-варак.

²¹ Ўз МА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 19-варак.

²² Содикова Н.С., Буряков Ю.Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси.-Тошкент: Фан, 1976.-Б.30.

²³ Ўз МА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 278-йиғма жилд, 1-варак.

ёдгорликларини муҳофаза этиш, учинчидан эса музей ишини олиб бориш белгиланди²⁴.

ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги 1928 йил 28 мартдаги буйруғига асосан Самарқанд шаҳрида “Музей ишлари, ўтмиш, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон кўмитаси” - Узкомстарис ташкил этилди. Шу йилнинг 1 октябридан Узкомстарис ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Кўмитанинг таркибига раис ва унинг ўринбосари, ЎзССР МИҚ вакили ҳам киритилди. Узкомстарис ўзининг фаолиятида санъат асарлари ва меъморий обидаларни атрофлича тадқиқ этиш масаласига алоҳида урғу берди. Жумладан, 1928 йилда Тошкентда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, у умумий халқ санъати қаторида меъморчилик тарихи масалалари билан ҳам шуғулланди. Жумладан, Айритом ёдгорлигида ҳайкалтарошлик намуналарининг топилиши, Хоразм ва Бухородаги археологик янгиликлар ўзбек меъморчилиги тарихида алоҳида эътиборга молик бўлди²⁵.

1934 йил 21 ноябрда бўлиб ўтган Узкомстариснинг бирлашган мажлисида Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликларини ўрганиш ва уларни ҳолатини текшириш, таъмирлаш-тузатиш ишларини йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Унда Узкомстарис кўмитаси раиси Н.Ходжаев, кўмитанинг илмий котиби академик Я.Ғуломов, археолог М.Массон, профессорлар В. Колотов ва Л.Воронин, архитектор Ш.Ратиялар иштирок этди²⁶. Мажлисида Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар ва обидаларни, шу билан бирга, меъморий ёдгорликларни атрофлича ўрганиш мақсадида Қафқол Шоший, Бароқхон мадрасаси мавзолейи (мақбараси) ва Мўймуборак мозори ҳудудларида комплекс кўриқхона гуруҳи тузишга келишиб олинди²⁷. Бундан ташқари, XX асрга тааллуқли бўлган ёдгорликларнинг меъморий шаклини қайта тиклаш ва Тошкент шаҳридаги архитектура-тарихий ёдгорликларни тадқиқ этишга эътибор қаратилди.

Я.Ғуломов амалий экспедициялари Темурийлар ҳукмронлиги даврида Шаҳрисабз яқинида бунёд этилган тарихий ва меъморий ёдгорликларни атрофлича ўрганишга ҳам қаратилган. Чунки бу ердаги ёдгорликлар нафақат ўзбек тарихчи-олимларида балки хориж тадқиқотчиларида ҳам азал-азалдан катта қизиқиш уйғотган. Шу боисдан ҳам археологлар Я.Ғуломов, Т.Мирғиёсов, С.Кабанов, С.Судаков ва фотограф Н.Ложкин биргаликда мазкур ноёб ёдгорликларнинг аҳволи, тиклаш ва таъмирлаш ишларини олиб боришга қайси ёдгорликлар муҳтож эканлигига аниқлик киритишган. Олим бошчилигидаги қадимшунослар гуруҳи томонидан, айниқса Шаҳрисабз шаҳридаги Ҳазрати Имом, Кўкгумбаз, Гумбази Сайидон каби йирик меъморий ёдгорликларни текширишга ва тиклашга доир ишлар олиб

²⁴ Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели комитета по делам музеев, охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса...-С.5.

²⁵ Ўз МА, Р.2296-жамғарма, 1-рўйхат, 105-йиғма жилд, 75-варақ.

²⁶ Ўз МА, Р.2296-жамғарма, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд, 25-26- варақлар.

²⁷ Ўз МА, Р.2296-жамғарма, 1-рўйхат, 80-йиғма жилд, 26- варақ орқаси.

борилган²⁸. Бу борада фотограф И.Завалин томонидан юзлаб суратлар туширилиб, Узкомстарисга тақдим этилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Иккинчи жаҳон уруши ҳамда урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда моддий-маданият ёдгорликларини ўрганиш, муҳофаза қилиш ишларининг йўлга қўйилиши ва ундаги муаммолар (1940-1950 йй.)** деб номланиб, мазкур бобда Иккинчи жаҳон уруши йиллари республикадаги тарихий ва маданий обидаларнинг сақланиш ҳолати ҳамда тадқиқ этилиши, халқ хўжалигини қайта тиклаш йилларида Ўзбекистондаги моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва муҳофазаси борасида қилинган ишлар сарҳисоб қилинган.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши арафасида Ўзбекистондаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Мазкур тадбирлар энг аввало республика ҳудудидаги тарих ва маданият ёдгорликларини рўйхатга ҳамда муҳофазага олишга йўналтирилди. Хусусан, Узкомстариснинг 1938-1942 йилларга мўлжалланган махсус режаси ишлаб чиқилиб, у асосан республикадаги ёдгорликларни тузатиш ва қайта таъмирлаш ишларига мўлжалланди. Қўмитанинг беш йилликка мўлжалланган режаси биринчи навбатда Ўзбекистон тарихи фани ва тарихчи-олимлари олдида турган муҳим масала - Ўрта Осиё халқлари ўтмишини атрофлича ўрганишга қаратилди. Иккинчи томондан эса мазкур режа қадимги архитектура ёдгорликларини ҳисобга олиш, уларни тизимли равишда муҳофаза қилиш ва қайта таъмирлаш, шу билан бирга, бошқа туркумдаги тарихий ёдгорликларни (кўҳна шаҳар, мозорлар) ҳисобга олишга йўналтирилди²⁹.

Узкомстарис қўмитаси беш йилликда яъни, 1938-1942 йиллар асосий эътиборни Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврига тегишли бўлган археологик материалларни йиғиш, қайта ишлаш, тизимга солишга қаратди. Кўрсатилган йиллар мобайнида Қадимги Сўғд вилояти (Самарқанд билан Зарафшон водийси), Чирчиқ-Ангрен районида 10 дан ортиқ археологик экспедициялар ўтказилди ва мазкур ҳудудлар археологик жиҳатдан атрофлича ўрганилди³⁰. 1939 йилда XV асрнинг иккинчи ярмида барпо этилган кўҳна Ишратхона биноси Г.А.Пугаченкова ва бошқа олимлар томонидан ўрганилди. Мазкур жараён давомида олимлар бинонинг ўзига хос қурилиш санъати ҳамда меъморий услубини атрофлича ўргандилар ва республика музейлари у бўйича тўпланган материаллар асосида маълумотлар билан бойитилди. Жумладан, Тарих музейида экспонатлар йиғиш бўйича 1938-1940 йилларда унумли иш амалга оширилди. Тошкент тўқимачилик комбинати, Андижон ёғ заводи, Фарғона пахта тозалаш заводи каби саноат корхоналарига доир материаллар ва маълумотлар тўпланди. Шу билан бирга, музейнинг илмий ходимлари Буригина ва Б.С.Сергеев Фарғонадаги ер-сув ислохоти ҳамда миллий-ҳудудий давлат чегараланишига доир материаллар

²⁸ Академик Яхё Ғуломов замондошлари ва шогирдлари хотирасида. -Тошкент: Фан, 2009.-Б.39.

²⁹Ўз МА, Р.2296-жамғарма, 1-рўйхат, 163-йиғма жилд, 4-варак.

³⁰ Ўз МА, Р.2296-жамғарма, 1-рўйхат, 163-йиғма жилд, 5-варак.

тўпланди³¹. Катта Фарғона канали барпо этилаётган даврда музей ходимлари этнология ва фольклорга оид қимматли материаллар, канал қазишга бағишланган газеталар, турли хил плакатлар ва моддий-ашёвий буюмларни тўпландилар. Хусусан, Катта Фарғона канали қурилиши вақтида топилган археологик материаллар ҳам музейга берилди. 1938 йилда ёпилган Халқ хўжалиги музейининг кўплаб экспонатлари шу музейга топширилди.

Республикада мавжуд бўлган инқилобий ёдгорликларни атрофлича ўрганиш ва уларни муҳофазага олиш борасида муҳим амалий ишлар қилинди. Хусусан, 1941 йил 1 январда Узкомстарис кўмитасининг инқилоб сектори бўйича 58 та ёдгорлик ҳисобга олинди. Улар асосан 1905-1916 йил кўзғолонлари, Октябрь тўнтариши, фуқаролар уруши билан боғлиқ бўлди. Қисқача айтганда, мазкур секторнинг асосий фаолияти инқилобий тўнтариш ва бошқа кўзғолонлар фаолиятини ўрганишдан иборат эди. Секторнинг ташаббуси билан Бухоро, Қўқон, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида меъморий обидаларни текшириш ишлари амалга оширилди.

Иккинчи жаҳон уруши якунлангач, республика халқ хўжалигини қайта тиклашга ҳамда иқтисодий тинч ҳаётга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ўша пайтларда ғоят мушкул ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий вазият мавжуд эди. Бу даврда барча миллий республикалар ва миллатлар маданиятини ўзида мужассамлаштирган ягона “совет маданияти” яратилди ва тарғиб этилди. Шу билан бирга, республикадаги санъат асарлари ва музей ишлари ўша даврдаги ҳукмрон коммунистик мафкуранинг махсус қолипига солинди. Бироқ, ҳар қандай мафкуравий тўсиқлар ва тазйиқлар бўлишига қарамасдан, тадқиқотчилар ана шундан мураккаб шароитда ҳам Ўзбекистондаги қадимий ҳамда маданий ёдгорликларни атрофлича ўрганиш, уларни муҳофазага олиш борасида маълум тадбирларни амалга оширдилар.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Узкомстарис фаолияти кенгайиб боришига қарамай, унинг фаолияти марказдан назорат қилинарди, айнан совет ҳокимиятининг ислом динига қарши кураши таъсирида кўплаб меъморий обидалар, мадраса ва масжидлар ёпиб қўйилди ҳамда улар харобага айлантирилди. Масалан, 1947 йилгача фаолият юритган Бутуниттифоқ худосизлар уюшмаси совет ҳукуматининг тарғибот-ташвиқот органи ҳисобланиб, диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига қарши даҳрийлик сиёсатини олиб борди. Мазкур ташкилот динга қарши амалга оширган қатъий фаолияти натижасида кўплаб тарихий обидалар, диний муассаса ва ташкилотлар қаровсиз қолиб кетди. Масжид ва мадрасалар, мақбара, авлиёлар зиёратгоҳлари, мазорлар, хонақоҳ ҳамда муқаддас қадамжолар вайронага айланди. Баъзи масжид ва мадрасаларнинг бинолари отхоналарга, хатто баъзилари ароқ-вино ва пиво ишлаб чиқариш корхоналарига айлантирилди. Ўтмишда минглаб фозилу-фузалоларни етиштириб берган, олий диний таълим бериш бўйича етакчи ҳисобланган, вайронага айланган Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси таъмирланиб, Ўзбекистон ССР атеистлар марказий музейига

³¹ Ўз МА, Р.2296-жамғарма, 1-рўйхат, 163-йиғма жилд, 8-варақ.

айлантирилди³². Шу билан бирга, совет ҳукмронлиги йиллари Марказий Осиё республикаларида маданий соҳалар ривожини марказнинг советлаштиришга йўналтирилган маданий сиёсати таъсирида бўлди. Аянчли томони шундаки, бу мустамлакачиликка асосланган метод Марказий Осиё аҳолиси сиёсий мустақиллигига эришгунига қадар давом этди³³.

1951-1960 йиллардаги илмий-тадқиқот ва изланишлар Ичан қалъадаги 24 та меъморий ёдгорлик, масжид ва мадрасаларнинг батафсил таснифини тузиш, шаҳар қурилиши ўзига хослигини ва бино дастурларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилди³⁴. Шунингдек, бу ерда туризмни ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиб, ободонлаштириш ишлари бош режаси ва тарихий ёдгорликларни томоша қилиш мақсадида саёҳат йўллари ишлаб чиқилди ҳамда кўриқхона ташкил этиш бўйича тайёргарлик чоралари кўрилди. 1955 йилда Бухородаги Нодир девонбеги хонақоҳи* конструкцияси ва фасадларида сақланиб қолган қоплама мустаҳкамлаб қўйилди³⁵. Мазкур ёдгорлик Девонбеги мадрасаси рўпарасида жойлашган бўлиб, марказий биноси масжиднинг квадрат шаклидаги катта залидан иборат. Бино бурчакларида дарвишлар учун ётоқхоналар ва иккинчи қаватга олиб борадиган зиналар мавжуд. Ҳовузга қараган Шарқ томондаги фасад серхашам тарзда безатилган бўлиб, унинг ўрта қисмида пештоқ қад кўтарган. Унинг айрим ерларида кошинларнинг парчалари сақланиб қолган. Пештоқ иккала томондан ҳам қалин тўгарак гулдасталар билан мустаҳкамланган. Айни шу даврда музей экспозицияларига ва бошқа маданий муассасаларга Ўзбекистон анъанавий тўқимачилик маданий мероси намуналари ҳамда маҳсулотларини қўйиш, намоиш этиш тобора оммалашиб борди. Тез орада эса мазкур маданий ишланмалар сайёҳларда катта қизиқиш уйғотди, улар республика музейига ташриф буюрадиганларга моддий-маданият тўғрисида билим бериши билан бир қаторда Ғарб давлатлари учун этнографик коллекциялар ташкил этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди³⁶. Марказий Осиёдаги музейлар минтақанинг маданий тўқимачилик бойликларини асосан маданий мерос сифатида кўрсатиб берди.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистон маданият дурдоналарини асраб-авайлаш, таъмирлаш соҳасида амалга оширилган тадбирлар: ютуқ ва камчиликлар (1960-1980 йй.)” деб номланган. Мазкур бобда “Ривожланган социализм” босқичи ва 1970 йилларда моддий-маданий ёдгорликларни сақланиши борасида йўл қўйилган сусткашликлар ҳамда “Қайта қуриш” йиллари республикадаги осори-атиқаларни сақлаш, муҳофаза қилиш, таъмирлаш бўйича амалга оширилган ишларнинг ахволи тадқиқ этилган.

³² Ўз МА, Р.94-жамғарма, 5-рўйхат, 4007-йиғма жилд, 23-варақ орқаси.

³³ Naase S. Central Asia: A study of History, Society, Culture and its Affects on the Current Political and Economic Ideologies of Today's Leaders.-USA, Hawaii Pacific University, 2008.-P.18.

³⁴ Жабборов И., Ртвеладзе Э., Мукминова Р. ва бошқ. Хива минг гумбаз шаҳри.-Тошкент: Шарқ, 1997.-Б.60.

* Хонақоҳ- дарвишларнинг яшаши (кўниши) учун жой, унда масжидлар ва уйлар ҳам бўлган.

³⁵ Икромов Т.И. Ансамбль Ляби-хауз.-Ташкент: Ўзбекистон, 1964.-С.5.

³⁶ Mentges G., Shamukhitdinova L. Textiles as National Heritage: Identities, Politics and Material Culture. Case studies from Uzbekistan, Kazakhstan, Algeria and Peru. - Germany: Waxmann Verlag GmbH, 2017.-P.23.

XX аср 60-йилларида совет жамиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига сунъий равишда “ривожланган социализм” ғояси киритилди. Бу эса ўз навбатида маданият соҳасини ҳам четлаб ўтмади ва айни шу даврда мазкур ғоя Ўзбекистон маънавий-маданий ҳаётига ҳам мажбурий тарзда татбиқ этилди. Шу йилларда маданиятга хос ва унинг ривожланиши учун муҳим омил бўлган эркинлик тамойилларига ҳам тамомила чек қўйилди. Бирок, маданий соҳа ҳар қандай мафкуравий тазйиқлар, қолипга солишлар кучайган бўлишига қарамай у маълум маънодаги ривожланишда давом этди. Ўша даврда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва муҳофаза қилиш ишларига маданий муассасалар ҳисобланган музейлар кўмак берди. Республикада фаолиятда бўлган Тарих музейи бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида 1959 йилдан бошлаб тарихий даврларни ўрганиш учун махсус экспедициялар уюштирди. Хусусан, у саноат, кишлоқ хўжалиги, илм-фан ва маданият соҳаларига оид материалларни йиғишга катта эътибор қаратди³⁷.

1967 йил 27 мартда ЎзССР Министрлар Советининг қарори билан «Ўзбекистон ССР тарихий ва моддий маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти» ташкил қилинди³⁸. Бу жамият маълум маънода республикадаги мавжуд ёдгорликларни сақлаш ва уларни тузатиш ишларини йўлга қўйишни мақсад қилиб олди. 1969 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда жамиятнинг 8 мингга яқин бошланғич ташкилотлари тузилди, унинг ходимлари ҳамда аъзолари қадимий шаҳарлар ҳисобланган Бухоро ва Самарқанд вилоятларига, Хоразм, Қашқадарё ва Андижон вилоятларига ташриф буюриб, жойлардаги маҳаллий маданият бўлимларига кўмак берди.

